

Айём нафаси уфуриб турган айни кунларда шаҳар ва туманларда ободончилик ишлари авж олиб, ҳудудлар байрамона либосга бурканган.

ХАРИДОР МАМНУН

Арзон нархларда хизмат кўрсатувчи озиқ-овқат ярмаркаларининг фаолият бошлагани кўпчиликка маъқул бўлмоқда. Мавзё ва маҳаллардаги «Она-замин саховати» ярмаркаларида 26 турдаги маҳсулот арзонлаштирилган нархларда сотилмоқда.

— Дехқон ва фермер хўжаликлари, кичик ва кўшма корхоналар, хусусий тадбиркорлар томонидан савдога қўйилган гўшт, балик, мева-сабзавот маҳсулотларининг сифати гап йўқ, — дейди харидор А.Уринбоев. — Мен ҳар йили байрамда шу расталардан савдо қиламан. Бу йил, айниқса, янги йил ўйинчоқлари ва безакларининг сотуви йўлга қўйилиши бизни мамнун этди. Байрам арафасида Андижон шаҳрида яна бир бино фойдаланишга топширилди. Янгидан бунёд этилган Нотариус биноси шаҳар ахлига байрам тўхфаси бўлди. Нотариал хизмат кўрсатиш шохбачасида миқозлар учун барча шароит яратилган.

Абдулхай ЮНУСОВ, «Ishonch» мухбири

НАВОЙЙ

Вилоятда Обод турмуш йилида 41032 та янги иш ўрни яратиш кўзда тутилган бўлиб, бунинг учун энгил саноатда 19 та, озиқ-овқат саноатида 40 та, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш бўйича 18 та, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда 17 лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган.

41032 ТА ИШ ЎРНИ

Айниқса, сервис соҳасини ривожлантириш муҳим омил бўлаётди. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида муаммоли корхоналар фаолиятини яхшилаш ҳамда молиявий соғломлаштириш натижасида 1600 тага яқин иш ўринлари яратилди.

Мансур АЛОВУДИНОВ, «Ishonch» мухбири



Gazeta
1991-yil
21-martdan
chiqa boshlagan

Ўзбекистон касба uyushmalari Federatsiyasining nashri • 2013-yil 24-dekabr, seshanba № 154 (3347)

2014 ЙИЛ — СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ



Мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб вояга етказишнинг асосий воситаларидан бири бўлган спортни оммалаштириш, айниқса, болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор туфайли чекка туман ва қишлоқларда ҳам замонавий спорт жамғуварлари кўпайиб бормоқда.



Тадбир

Бошланғич ташкилотлар ҳар бир тизимнинг пойдевори ва таянчи ҳисобланади. Ислохотларни кенг халқ оmmasига етказиш, жойларда жамоатчилик родини кенгайтиришда уларнинг ўрни муҳим.

Аёл — миллат юзидаги нур

2011 йилдан буён ўтказиб келинаётган «Хотин-қизлар кўмитасининг энг намунали бошланғич ташкилоти» кўрик-танлови кўмита тизимининг янада такомиллашувига эришиш, фуқаролик жамиятини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшаётган бошланғич ташкилотлар фаолиятини бундан-да жонлантиришга хизмат қилаётди. 2013 йилда республика бўйича ўзини ўзи бошқариш органлари, корхона, идора ва муассасалардаги бошланғич хотин-қизлар кўмиталари сони салкам 41 мингтани ташкил этди. Бу йилги танловнинг туман-шаҳар босқичларида 20 мингга яқин, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар босқичида 2000 га яқин бошланғич ташкилот раислари иштирок этиб, уларнинг 84 нафари Республика босқичига тавсия этилди.

— Иштирокчилар сони кўпайганилиги, аёллар масаласига оид ислохотлар моҳиятини чуқур англаган ҳолда иш олиб бориш ва низоий вазифаларни амалга оширишда халқчилик, аёллар ва оилалар муаммоларига чуқурроқ ёндашишга эътибор кўчайганилиги кувонарли ҳол, албатта, — деди, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Э.Боситхонова.

Республика босқичида иштирокчилар «Энг намунали маҳалла Хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилоти», «Энг намунали касб-хунар коллежи ёки академик лицей Хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилоти», «Энг намунали умумтаълим мактаби Хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилоти», «Энг намунали тиббиёт муассасаси Хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилоти», «Энг намунали корхона Хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилоти» номинациялари бўйича билимларини синовдан ўтказишди.

Тадбир давомида номзодларнинг салоҳияти, билим даражаси, тизим фаолиятидаги ютуқлари муносиб баҳолаб борилди. Унга қўра, номинациялар бўйича ғолиблар аниқланиб, диплом ҳамда қимматли совғалар билан рағбатлантирилди.

— «Энг намунали тиббиёт муассасаси Хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилоти» танловининг ғолиби бўлган менга ўзгача хурсандлик бағишлади, — дейди Чилонзор туманидаги 35-оилавий поликлиника Хотин-қизлар кўмитаси раиси Саида Маҳкамова. — Жамоамиз аксарияти аёллардан иборат. Шунинг учун асосий эътиборни хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнини мустақамлаш, фаоллигини ошириш, уларни ижтимоий-иқтисодий, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратганмиз.

Тадбирда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Т.Нарбаева иштирок этди ва Хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликдаги фаолиятга юқори баҳо берди.

Санъаткорлар томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар тадбирга ўзгача руҳ бағишлади.

Раъно МАҲКАМОВА, «Ishonch» мухбири

Юртинг обод — дилинг обод

Урганч шаҳридаги Аз-Замашарий кўчасида иш бошлаган 50 ўринли Наманган миллий таомлар чойхонаси ва новвойхонасида ака-ука Муҳаммадхон, Аъзамхон Хожимирзаевлар ҳар куни 350-400 дона иссиқ нон, патиларини эл дастурхонига тортиқ этишмоқда.

Урганч гулга бурканмоқда

— Хоразмга келганимга тўрт ойдан ошди, — дейди Наманган шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Саидхон Султонов. — Аз-Замашарий кўчасида хиёбон қурилиши ишларини ниҳоясига етказмоқдамиз. Ундан чет элик меҳмонлар учун миллий либослар тикиб сотиладиган, музқаймоқ, ширинликлар ва Наманган гуллари сотиладиган савдо шохбачалари ўрин олган. 57 нафар ишчи-хизматчимиз хиёбон қурилишида меҳнат қилишмоқда. Ишчиларимиз учун барча шароит яратилган.

Урганч шаҳрининг қаерида бўлманг, кенг кўламли қурилиш, ободонлаштириш ишларига ғувоҳ бўласиз. Айниқса, Шовот каналининг соҳилларида давом этаётган улкан бунёдкорликлардан кўз кўнайд.

— Ушбу хайрли ишга ҳисса қўшаётганлигимиздан хурсандимиз, — дейди Наманган шаҳар ободонлаштириш ишлари бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ҳабибулла Зокиров. — 750 дона мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ва райгрис (жаннат) ўтлари экилди. Абдурахим Содиқов, Яхё Аҳмедов, Элмурод Икромов сингари ишчилар уларни сидуқидилдан парварияшмоқдалар. Шу туфайли канал соҳиллари қишда ҳам яшил либосга бурканмоқда.

Шунингдек, бир-биридан чиройли ҳайкалчалар хиёбоннинг ҳуснига-ҳусн қўшаётди. Эртак қаҳрамонлари ҳайкаллари муаллифи наманганлик ҳайкалтарош Қудрат Мирзаевдир.

Ғулижон РАҲИМОВА

СПОРТ — САЛОМАТЛИК ДЕМАҚДИР

Қашқадарё вилоятида 2003-2013 йилларда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 154 замонавий спорт иншооти барпо этилди ва капитал таъмирланди. 142 спорт объекти чекка туманларда қад ростлагани қишлоқ жойларда ёшларни спортга кенг жалб этиш, уларнинг саломатлигини мустақамлашда муҳим омил бўлмоқда.

— Обод турмуш йилида қуриб фойдаланишга топширилган 10 спорт иншооти умумий қиймати 385 миллион 500 минг сўмлик спорт жихозлари билан таъмирланди, — дейди Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Қашқадарё вилояти филиали

директори Сирож Азизов. — Умумтаълим мактаблари, болалар ва ўсмирлар спорт мактабларига 1 миллиард 214 миллион сўмлик спорт жихозлари берилди. Давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатимизда Соғлом бола йили, деб эълон қилинган 2014 йилда ҳам бундай эзгу ишлар изчил давом эттирилди.

ЎЗА. СУРАТЛАРДА: футбол тўрагаги мураббий-си Илёс Алиқуллов шогирдлари билан; футбол тўрагаги қатнашчиси Фирдавс Азизов.

Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎЗА) олган суратлар

Обуна — 2014

Истиқлол шарофати билан гуллаб-яшнаётган воҳанинг моҳир дехқон, миришкор бoғбон сифатида танилган меҳнат ахлига ишбилармонлик, тадбиркорлик хислатларини намойён этиш учун қулай шарт-шароит вужудга келди. Урта ва кичик бизнес йил сайин ривожланмоқда. Шаҳар ва туманларда хорижий инвестициялар иштирокида ташкил этилаётган кўшма корхоналар янги иш ўринлари яратишда ҳам қўл келмоқда.

Меҳнат кишиси, у дехқон бўладими, хизматчи бўладими, жамиятни ҳаракатга келтирувчи, мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтирувчи куч, моддий ва маънавий бойликларнинг яратувчиси ҳисобланади. Мана шу жараёнда иш берувчи билан ишловчиларнинг ўзаро муносабати шаклланади. Ушбу муносабатни адолатли тарзда ташкил этиш, икки томоннинг ҳуқуқий манфаатларига баравар ёндашиш жуда мураккаб вазифа. Касаба уюшмалари мана шу мураккаб жараёнда ўз вазифасини шараф билан бажариб келмоқда.

Очиқ мулоқот, ошқора фикр

Бунинг исботини Сирдарё вилоятидаги корхона ва меҳнат жамоалари мисолида ҳам кўриш мумкин. Турли йўналишда фаолият кўрсатаётган корхоналар, кўшма корхоналар, микрофирмалар, урта ва кичик бизнес субъектлари ўз фаолиятини қонуний асосда ташкил этишга ҳаракат қилар экан, бу борада энг оммавий нодавлат ташкилот ҳисобланган касаба уюшмасига таяниб иш тутмоқда. Бу эса, меҳнат ахлига муносиб меҳнат шароитини яратиш ва пировардида ишлаб чиқаришни юксалтириш имконини бермоқда.

Тахририятимиз ходимлари Янгиер шаҳридаги болалар спорт кийимларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Мос Ян текс» кўшма корхонасида бўлиб, касаба уюшмасининг жонбозлиги нечоғлик муҳим аҳамиятга эга эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдилар.

Мазкур корхонада 100 дан ортиқ маҳаллий аҳоли вакиллари иш билан таъминланган. Эътиборлиси, жамоанинг қарийб 80 фоизи касб-хунар коллежларини битирган йилги-қизлардан иборат. Муҳими, корхона касаба уюшмаси билан ҳамкорликда фаолият юритаётган маъмурият иш унуми, тайёрланаётган маҳсулотларнинг сифати ишловчиларга яратилган шароитга боғлиқ эканлигини ҳисобга олган ҳолда иш тутмоқда. Ишчилар учун 3 маҳал иссиқ овқат ташкил этилган, тиббий хизмат бепул. Ҳатто, машиқ хизмат шохбачаларидан фой-

хотлар, уларнинг меҳнат аҳлини ижтимоий муҳофаза этиш, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, айниқса, эҳтиёжманд қатламларга ғам-хўрлик кўрсатиш борасидаги аҳамияти ва самараси ҳақидаги сўхбатимиз ўз-ўзидан газеталар фаолиятига улашиб кетди.

Шоира Сайитқулова, корхона ишчиси:

гадиган иш билан шуғулланган киши жисмонан бақувват, руҳан бардам бўлади. Ҳаётга муҳаббати ортиб, кўнглидаги завқ-шавқни қоғозга туширишга эҳтиёж сезади. Қизларимиз орасида ҳам шукронасини шеърга соладиган иқтидорлилари анчагина. Севимли газетамизда меҳнат билан ижодни баравар олиб бораётганлар ҳаёти, уларнинг ижод

намуналари бериб борилса, жуда мамнун бўлардик.

— Жамоамизда асосан хотин-қизлар меҳнат қилади. Ишдан бўш вақтимизда аёлларнинг жамиятдаги ўрни, оиладаги роли, бугунги кунда бизга давлат томонидан берилган эътибор ҳақида тез-тез гурунглашамиз. Тайинки, бизни юртимиздаги бошқа корхоналарда хотин-қизларга оид шарт-шароитлар, ибратга лойиқ тажрибалар кўпроқ қизиқтиради. Ушбу мавзулар «Ishonch» газетасида аҳолига ёритилаётганидан турсандимиз. Бундан буён ҳам тадбиркор ва ишбилармон аёллар, улар эришаётган ютуқлар ҳақида кўпроқ мақолалар ўқисак, деймиз.

Гулнора Бойзакова, корхона ишчиси: — Элига, юртига нафи те-

моён этиши, меҳнати самарасидан баҳраманд бўлиши, эл-юртга наф етказиши борасида яратилган имкониятлар ҳақида сўз юритилиб, айни пайтда меҳнатқашаларнинг ижтимоий ҳимояси ҳам қонун муҳофазасида эканлиги қайд этилди.

Фурсатдан фойдаланиб, тахририят вакилларининг мактаб жамоаси билан мулоқоти ташкил этилди.

— Меҳнаткаш қаерда бўлса, биз ҳам ўша ердამиз, — деди тахририят ходими Неймат Рафиқов. — Чунки, муассисимиз — касаба уюшмалари Федерацияси барча меҳнат ахлининг манфаатлари ҳимоячиси. Шунинг учун газетамиз саҳифаларида турли-туман йўналишдаги иқтисодий-ижтимоий тармоқларда ишлаётган ишчи ва хизматчиларнинг ҳаёти, иш шароити, меҳнат муҳофазаси, уларни ва оила аъзоларини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, соғломлаштиришга оид мавзулар мунтазам ёритиб борилади. Юзма-юз мулоқотлар, ўйлашмики, газета мазмунундарижасини белгилаб олиш билан бирга, мавзулар доирасини кенгайтиришга хизмат қилади, албатта. Умид қиламизки, бу ерда билдирилган фикр-мулоҳазалар тахририятимизнинг фаолиятида ўз аксини топади... (Давоми 4-саҳифада).

Касаба уюшмаси аралашгач...

Анджон вилоят почтаси томонидан менга 2010 йилдан буён ноқонуний равишда меҳнат таътили берилмагани ва ишдан асоссиз четлатилганидан норози бўлиб вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасига ариза ёзган эдим.

Миннатдорман

Аризам ўрганиб чиқилиб, 1 ноябрдан ишга тиклангани ҳамда меҳнат таътили берилганлиги тўғрисида буйруқ чиқарилди. Шу сабабли мен вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси ва масъул ходимларига чуқур миннатдорлик билдираман, шундай эзгу ишлар йўлида асло чарчаманлар, дейман. Шукржон АБДУЛЛАЕВ, Анджон вилояти



ОИЛАВИЙ КОРХОНА

Кувалик Ислому Муродов мамлакатимизда тадбиркорлар учун яратилган кенг имтиёз ва имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда «Муродовлар» оилавий корхонасини ташкил этиб, маҳалладошларини ҳам иш билан таъминлашга муваффақ бўлди.

Обод турмуш йилида фаолият бошлаган мазкур корхонада бозор талаблари асосида сифатли ва хариддоргир тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

СУРАТЛАРДА: оилавий корхона дизайнери Қодир Аҳмедов; ишчилар Мафтуна Абдуғофурова ва Умида Шарофиддинова.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган суратлар

Фаолиятга назар

Ғамхўрлик оғушида

Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш, уларни ва оила аъзоларини соғломлаштириш, шунингдек, маданий-матрифей ва спорт ишлари соҳасида Агросоанот мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Кармана туман кенгаши томонидан қатор ишлар амалга ошириляпти.

Туман кенгаши тизимида 60 та бошланғич ташкилот бўлиб, 8899 нафар аъзо бирлашган. Фермер хўжалиқларидаги 4000 га яқин меҳнаткаш манфаатлари 6 та ҳудудий касаба уюшма кўмиталари томонидан ҳимоя қилинмоқда. Жорий йилнинг 1 октябр ҳолатига кўра, туман кенгашида 58 та жамоа шартномаси ва 1 та ҳудудий тармоқ келишуви тузилган. 20 та нодавлат нотижорат сектордаги ташкилот аъзоларига қабул қилиниб, аъзолар 320 кишига кўпайди.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури тадбирларининг бажарилиши ҳамда қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш бўйича тармоққа қарашли корхона, ташкилот ва фермер хўжалиқларида микрокредитлар ажратиш, кам таъминланган оилалар томонқалари учун уруғликлар олиб беришга кўмаклашилди.

Тизимдаги корхона, ташкилотлар томонидан ишчи-ҳодимлар ҳамда кам таъминланган, кўп болали оилалар, ёлғиз, боқувчисини йўқотган кексалар, ногиронлар, уруш ва меҳнат фахрийларидан 219 нафарига 28 млн. 650 миң сўмдан зиёд моддий кўмак кўрсатилди. 9 нафар ишчига 17 млн. 920 миң сўмлик фозисиз судга ажратилди. «Навий дон маҳсулотлари» ОАЖ ҳисобидан 2 нафар талабага шартнома пулининг бир қисми тўлаб берилди.

Касаначиликни ривожлантириш орқали янги иш ўринлари яратилмоқда, — дейди АСМ ходимлари туман кенгаши раиси У.Ражабов. — Корхона, ташкилот ва хўжалиқларда, мавсумий иш ўринлари қисқартирилишининг олдини олиш доимий диққат марказимизда.

Касаба уюшма етакчисининг айтишича, ходимларнинг юртимиз сўлим гўшаларида дам олиб, даволашиб келиши учун ижтимоий сўғурта маблағидан 35 кишига 18 млн. 119 миң сўмлик, 22 кишига аъзолик бадаллари ҳисобидан 13 млн. 169 миң сўмлик йўлланмалар берилган. Шунингдек, 130 нафар аъзонинг тарихий масканларга саёхатлари уюштирилди. Бундай эътибор ва ғамхўрликлар, албатта, янада ғайрат билан ишлашга даъват этади.

Ўз муҳбиримиз

Меҳнат муҳофазаси

Қаерда кўнгиладигидек иш шароити яратилса, самарадорлик юқори, ишловчилар соғлиги қафолатланган бўлади. «Ўзбекистон қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металл комбинати» очик акциядорлик жамиятида бўлганимизда бунга тўла ишонч ҳосил қилдик. — Корхонамизда 1 миңг 755 нафар ишчи-хизматчи ишлайди, — дейди касаба уюшма кўмитаси раиси Зокиржон Салимов. — 615 нафари хотин-қизлар бўлиб, уларнинг меҳнатини муҳофазалаш мақсадида 4 нафар мутахассисдан иборат гуруҳ фаолият кўрсатмоқда. Гуруҳга ёш, ғайратли, ишнинг кўзини биладиган муҳандис-эколог Эржон Нисанкулов бош-қош.

Кафолат бор

Цехларда ишчи-хизматчилар учун барча шароит яратилган. Меҳнат муҳофазаси бўйича иш режасига асосан корхонада энди иш бошлаган ҳар бир киши махсус йўриқномадан ўтказилади. Жорий йилда 450 нафар ишчи-хизматчи билан махсус сўхбат ўтказилди. Зарарли шароитларда ишлайётганларга жамоа шартномасида белгиланганидек, йиллик меҳнат таътилларига 3 кундан 18 кунгача кўшиляпти.

Корхонада меҳнат муҳофазаси бўйича махсус синфхона мавжуд бўлиб, ўқув жиҳозлари билан таъминланган. Бу ерда жамоатчилик асосида сайланган 22 нафар вакилнинг ўқуви мунтазам ташкил этиляпти.

Яна бир масала — корхонада иш ўринларини шаходатлашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Жорий йилда ОАЖда 1317 та иш ўрни шаходатдан ўтказилди ва бу ишга НПП «Поли-Био Мед»

лабораторияси жалб этилди. Натижада, ҳар бир цехда шовқин, чангланши, ёруғлик ҳолатлари белгиланган меъёрга келтирилди. — Хавфсизлик техникаси ҳамда меҳнаткашларнинг иш шароитини яхшилаш борасида амалга ошираётган ишларимиз яхши натижа бераётир, — дейди Э.Нисанкулов. — Жорий йилда корхонамизда бирорта бахтсиз ҳодиса рўй бермади.

Ушбу ютуқларда корхона ҳамда касаба уюшма кўмитасининг яқин ҳамкорлиги кўл келмоқда. Ишчи-хизматчилар махсус кийим-бош ҳамда шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланган. Инсон санолатлиги учун зарарли шароитда ишлайётганларга суг ва суг маҳсулотлари бериб бериляпти. Ушбу эҳтиёжлар учун жорий йил бошидан буюн 64 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

— Касаба уюшмаси кўмитасининг ҳар бир мажлисида

меҳнат муҳофазаси масаласи атрофлича муҳокама этиб борилмоқда, — дейди касаба уюшма кўмитасининг меҳнат муҳофазаси бўйича комиссияси раиси Фарҳод Шоназаров. — Комиссиямиз 5 кишидан иборат бўлиб, йил бошида тузилган режа асосида фаолият юрляпти.

Ҳар бир цехда ечиниш ва кийиниш, душ ва дам олиш

хоналари ишлаб турибди. Дастлабки тиббий хизмат кўрсатиш пункти ҳам фаолият кўрсатмоқда.

— Меҳнат шароитини яхшилашда корхонасини модернизациялаш етакчи омиллардан, — дейди Эржон Нисанкулов. — Махсус кийим-бош ҳамда шахсий ҳимоя воситаси, иш жойларини шаходатлаш ҳам бу борада катта фойда беради. Менимча, энг асосийси ҳар бир ишчининг меҳнат муҳофазаси қоидаларига онгли равишда риоя этишидир. Биз, мутахассислар эса буну доимий назоратга олишимиз зарур. Бугина эмас, мабод, ишлаб чиқаришда бирор шикастланиш содир бўлса, уни мутахассислар билан атрофлича муҳокама этиб, келгусида бундай кўнгилсиз ҳолат юз бермаслиги учун барча чораларни кўришимиз шарт.

Неъмат РАФИҚОВ, «Ishonch» муҳбири

Миллий матбуот марказида

Мамлакатимиз иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги етакчи соҳалардан бири бўлиб, истикболдаги аксари улғувор вазирилар айнан агротизим билан чамбарчас боғлиқ.

Фермерларга қулайликлар

Президентимизнинг «Ўзбекистон ўз тараққиётини фермерлик ривожига кўради ва бу борада дунёнинг илғор мамлакатлари эришган ютуқларга таянади», деган сўзлари иқтисодиётнинг муҳим бўғини саналмиш банк тизими соҳасида ҳам катта ўзгаришларга сабаб бўлди. Мижозларга кредит ажратиш жараёнида талаб қилинадиган ҳужжатлар соддалаштирилди ва асосий эътибор узоқ муддатли кредитларга қаратилди. Банкларнинг бўлим, филиалларида мижозларни қабул қилиш ташкил этилиб, бирламчи маълумотлар ва маслаҳатлар бериб бориш йўлга қўйилди. Фермер хўжалиқларига қулайлик яратиш мақсадида қишлоқ туманларида 2160 та минибанк ташкил этилди. Қишлоқ хўжалик техникаси ва ускуналарини лизингга бериш механизми такомиллаштирилди.

Ишбилармонлик муҳитини яхшилаш учун фермер хўжалиқларига ажратилаётган кредитлар ҳажми ортиб бораётир. Тижорат банклари томонидан қишлоқ жойларда аҳоли бандлигини таъминлаш, деҳқончилик маҳсулотлари етиштиришни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида чорвачиликка 224,5 млрд. сўм, балиқчилик ва асаларичиликка 22,4 млрд. сўм миқдорда молиявий ресурслар йўналтирилди. Мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлайдиган мини технологиялар ва асбоб-ускуналар харид қилишга доир 60,3 млрд. сўм, паррандачилик фермаларини ташкил этишга 74,9 млрд. сўм, иссиқхоналар қурилишига 24,4 млрд. сўмлик лойиҳалар молиялаштирилди.

Имтиёзли кредитлар кўптармоқли фермер хўжалиқларининг ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириб, замонавий технологияларга эга бўлишини таъминляпти. Тижорат банклари пахта ва галла ҳосили харажатларини қоплаш учун мунтазам равишда фермер хўжалиқларини қўллаб-қувватляпти. Жумладан, «Микрокредит-банк» деҳқон ва фермер хўжалиқлари фаолиятини кенгайтириш учун икки йилгача муддатга бериладиган энг кам иш ҳақининг 500 баробари миқдорда 6 фозизли микрокредитлар ажратмоқда. Бундан ташқари, фермер хўжалиқлари 3 йил муддатга 5 фозиз ставкада энг кам иш ҳақининг икки миңг баробари миқдордаги микролизинг хизматларидан фойдаланяпти.

Миллий матбуот марказида Марказий банк ташкил этган «Банклар томонидан фермер хўжалиқларига кредит ва лизинг хизматлари кўрсатиш масалалари ва истикболлари» мавзусидаги матбуот анжуманида ана шулар хусусида сўз юритилди.

Шарофат НОРҚУЛОВА, «Ishonch» муҳбири

Миллий матбуот марказида Адлия вазирлиги ҳамда Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган «Фуқароларнинг коммунал соҳадаги истеъмол маданиятини ривожлантириш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Истеъмолчи ҳуқуқи

Коммунал соҳага оид қонунчиликнинг амалиётда қўлланилишида давлат ҳамда нодавлат ташкилотлари қаторида, Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг 9 ойида адлия органлари ёрдами билан 1245 та мувожабат юзасидан фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳимояси таъминланди. Утган даврда фуқаролар манфаатидан келиб чиқиб, қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш мақсадида тегишли идораларга 700 га яқин тақдирнома киритилган. Шундан 659 тасининг ижроси тўлиқ таъминланган. Уларнинг асосийси бевосита ҳожимият, электр тармоқлари, газ ва сув таъминоти идораларига киритилиб, инсон ҳуқуқларига дахл қилувчи 106 та турли хилдаги қонунчилик ҳужжатлар бекор қилинган. Фуқаролар манфаатини қўллаб, судларга 2 млрд. 300 млн. сўмдан ошқик қийматли даъво аризалари киритилган.

Шунингдек, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерациясининг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги қонун ҳужжатларини кенг тарғиб қилиш, аҳолининг истеъмол маданиятини оширишга доир маърифий-тарғибот ишлари ҳақида атрофлича фикр юритилди.

Маълумотларга кўра, Обод турмуш йили муносабати билан Федерация томонидан «Обод турмуш, соғлом ҳаёт ва ҳуқуқий маданият» дастури қабул қилинди ҳамда унда белгиланган чора-тадбирлар ижроси бўйича 40 га яқин давлат ва нодавлат ташкилотлари билан изчил ҳамкорлик йўлга қўйилди. Утган даврда Федерация ва унинг ҳудудий тузилмаларига истеъмолчилардан 7600 дан ортиқ шикоят ва аризалар келиб тушган. Уларнинг 95,1 фозини ижобий хал этилиб, 1 млрд. 976 млн. сўмдан ортиқ моддий ва маънавий зарарлар истеъмолчилар фойдасига қайта ҳисоблаб берилди.

Ўз муҳбиримиз

Истиклолнинг дастлабки йилларидан халқ саломатлигини мустаҳкамлаш борасида кўпгина ишлар амалга оширилди. Жумладан, аҳолини сифатли, безарар ҳамда арзон дори воситалари билан таъминлаш мақсадида қатор қонун ва қонуности ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, амалга киритилди.

Асл маҳаллий дорилар сифатли, безарар ва арзон

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда «Ўзфарманоат» ДАК томонидан ўтказилган «Қишлоқ аҳолисини сифатли дори воситалари билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш, дори воситалари сифатини ошириш, фармацевтика корхоналарида GMP ни жорий этиш борасида белгиланган чора-тадбирлар: муаммо ва ечим» мавзусидаги анжуманда бу ҳақда батафсил маълумот берилди.

Мустақилликка қадам қўйилган даврда мамлакатимизда бор-йўғи 2 та корхона мавжуд бўлиб, уларда атиги 20 турдаги дори маҳсулотлари ишлаб чиқарилаб эди. Ҳозирда республикамизда 139 та фармацевтика корхонасидан мижозларга 1300 дан зиёд дори воситалари етказиб бериляпти. Аҳамиятли жиҳати, 26 та маҳаллий фармацевтика корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга ISO 9001 халқаро сифат стандартлари ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан тавсия этилган GMP — Яхши ишлаб чиқариш амалиёти жорий этилган. Бундан ташқари, яна 17 та корхонага мансуб дори воситалари дунёнинг 20 дан ортиқ давлатларига экспорт қилинмоқда.

Ўз муҳбиримиз

Ўқув-семинар

Инсоннинг энг катта бойлиги бу унинг соғлиғидир. Бироқ киши ҳар доим ҳам бунинг қадрига етвормайди. Орамизда шундайлар ҳам борки, қачонки касал бўлиб, боши ёстиққа текканидагина соғломлигига жиддий эътибор бера бошлайди. Бундай кезларда, шифокорларнинг ёрдами, маслаҳатсиз оёққа туриш, тузалиш мушкул.

Билим ва тажриба ҳеч қачон ортиқчалик қилмайди

Яқинда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қошидаги Санатор-курортлар бошқармаси тизимидаги муассасаларда дам олувчиларга кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини янада яхшилаш, тизимда фаолият кўрсатаётган тиббиёт ходимларининг билим ҳамда малакаларини оширишга кўмаклашиш мақсадида «Оқтош» санаторийида семинар ташкил этилди.



Унда мазкур сўхатгоҳ ходимлари, Санаторий-курортлар бошқармаси тизимидаги 15 та санаторий, Даволаш-профилактика маркази, Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги «Хумсон» санаторийи, «Хумсон булоқ» санаторий-соғломлаштириш марказларининг бош ҳамширалари иштирок этди.

Ҳамширалар иши соғлиқни сақлаш тизимининг энг муҳим қисминини ташкил этади. Шу боис улардан замонавий тиббиёт техникаларидан фойдалана билиш, соҳадаги янгиликларни амалиётга татбиқ эта олиш ҳамда юксак маънавиятли бўлиш талаб этилади. Шунинг назарда тутган ҳолда семинарда дам олувчилар билан ўзаро мулоқот, муомала маданиятини янада яхшилаш, ҳамширалар юротидаги ҳужжатлар ва бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Семинар баҳонасида иштирокчилар «Оқ-тош» санаторийида олиб борилган қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари билан ҳам танишдилар. Сўхатгоҳнинг Даволаш-диагностика бўлимида ўрнатилган замонавий тиббий ускуналар ҳамда бошқа жиҳозлар, дам олувчи ва ходимлар учун яратилган шароитлар иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

— Бу ерда кўрганларимни ҳамкасбларимга албатта етказаман. Уйлайманки, бундай тадбирлар ҳеч қачон беиз кетмайди, — деди «Хумсон булоқ» санаторий-соғломлаштириш маркази катта ҳамшираси Г. Туланова.

Дилором АЛЛАҚУЛОВА, «Ishonch» муҳбири

Жараён

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Сирдарё филиали касаба уюшмаси фаолиятини такомиллаштириш, қулай меҳнат шароитларини яратиш, ходимлар манфаатини ҳимоялаш каби йўналишларда хайрли ишлар амалга ошириляпти.

Ижтимоий ҳимоя

Айни дамда филиалда 353 нафар ходим меҳнат қилмоқда. Жорий йилнинг 9 ойида ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида 85 526,6 миң сўм ажратилди. Бунда ҳар бир ходимга имтиёзлар учун сарфланган маблағ ўртача 242,2 миң сўмни ташкил этади. Зарарли шароитда ишловчи 16 нафар ходимга ҳисобот даврида 3553250 сўм тўланади, ҳар бир ходимга 222078 сўмлик суг маҳсулотлари олиб берилган. Филиал ва касаба уюшмаси кўмитаси томонидан ходимларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиб олиши учун 27 млн. сўм сарфланди.

Бундан ташқари, «Обод турмуш йили» дастурига асосан, ходимларнинг Самарқанд шаҳрига саёхатлари уюштирилди. Ёз мавсумида эллик нафар болажон Жиззах вилояти Зомин туманида жойлашган «Истиклол» ҳамда Сирдарё вилояти Боевут туманидаги «Турон» оромгоҳларида мароқли дам олди.

Ўз муҳбиримиз

**Соғлиқни сақлаш
ходимлари касаба
уюшмаси
Марказий кенгаши**

Барча

юртдошлари мизни,

жумладан, соғлиқни

сақлаш тизими

зах.маткашларини


кириб келаётган

2014 йил билан

самимий муборакбод

этади.

**Янги йилнингиз кутмаё
бўдсин, азизлар!**



**Ўзбекистон авиация
ходимлари касаба
уюшмаси Марказий
кенгаши**

**Кириб келаётган
2014 йил билан
меҳнаткаш
халқимиз
ва соҳа
ходимларини
чин дилдан
муборакбод
этади.
Янги йил
барчамизга
янги-янги
муваффақиятлар,
шодлик, омад,
бахт олиб
келсин!
Осамонимиз
доимо
мусаффо,
турмушимиз
фаровон бўлсин.
Қалбларимизни
эзгулик ва
ғузаллик ҳеч
қачон тарк
этмасин!
Бир-биримизга
бахт улашиб
яшаш исгаги
кунгилларимизни
еритиб турсин!**

Солиқ идораларида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 20 сентябрда қабул қилинган «Мамлакатимизнинг дастурий таъминот воситаларини ишлаб чиқувчиларини рағбатлантиришни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори АКТ учун дастурий таъминот воситаларини ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш ҳамда рақобатбардошли дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқувчиларни рағбатлантириш, шунингдек, уларнинг маҳсулотларини ички ва ташқи бозорларда илдам силжитишга кўмаклашишга қаратилган.

**Тадбиркорлар
манфаатини кўзлаб**

Шу мақсадда Дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларининг миллий реестрини тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Миллий реестр software.uz Интернет-порталда жойлаштирилган дастурий маҳсулотлар ва ишлаб чиқувчиларнинг миллий каталоги негизда яратилади. Дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчилар миллий реестрини юритишнинг асосий вазифалари ва йўналишлари бу дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчилар тўғрисидаги ахборотнинг ягона электрон банкини яратиш, мазкур бозорнинг ҳолати ва салоҳияти тўғрисида ахборот бериш, истеъдодли ёш дастурчиларни қўллаб-қувватлаш ҳисобланади.

Ўз дастурий таъминот воситаларини ишлаб чиқиш, татбиқ этиш ва сотишдан олинган даромадлари улар сотган товарлар (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмининг камида 50 фоизини ташкил этадиган юридик шахслар Миллий реестрга иктиёрий ва бепул асосда киритилади.

Миллий реестрга киритилган дастурий таъминот воситаларини ишлаб чиқувчилар 2017 йилнинг 1 январига қадар барча турдаги солиқлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл фонди, бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар тулашдан ҳамда Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланмайдиган рўйхатлар бўйича ўз эътиборлари учун олиб келинадиган ускуналар, бутловчи қисмлар, деталлар, узеллар, технология ҳужжатлари, дастурий таъминот воситаларига бож тўловлари (божхона расмийлаштирув йиғимларидан ташқари) тулашдан озод қилинганлар.

Юқорида назарда тутилган солиқ имтиёзлари берилиши муносабати билан бўшайдиган маблағлар Миллий реестрга киритилган юридик шахслар — дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларининг ходимларини рағбатлантириш, моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга йўналтирилиши лозим. Бундан ташқари, миллий реестрга киритилган юридик шахслар — дастурий таъминот воситаларини ишлаб чиқувчилар учун ушбу қарорда назарда тутилган солиқ имтиёзларининг амал қилиш муддати, агар уларнинг ўзлари ишлаб чиқарган дастурий таъминот воситаларини экспорт қилиш ҳажми улар сотган товарлар (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмининг камида 50 фоизини ташкил этган тақдирда, 2 йилга узайтирилиши белгиланган.

Бугунги кунда тадбиркорларга қулай шарт-шароит ва имкониятлар яратиш мақсадида мамлакатимизда қабул қилинаётган бир қанча қонун, қарор ва меъриий ҳужжатлардан амалда оқилона фойдаланиш, кенг тарғиб қилиш юзасидан солиқ тўловчилар иштирокида мунтазам равишда семинарлар ўтказиб боришмоқда.

Абдукарим ЭШБАЕВ,
Юнусобод туман ДСИ бўлими

Электрон мурожаат

унинг қулайлиги нимада?

Бугунги кунда Давлат солиқ кўмитаси томонидан замонавий ахборот технологияларини қўллаган ҳолда солиқ тўловчиларга 31 турдаги интерактив хизматлар кўрсатиб келинмоқда. Кўмитанинг www.soliq.uz расмий сайтыда жойлаштирилган ушбу интерактив хизматлардан солиқ тўловчилар ва фуқароларимизнинг кенг ва самарали фойдаланишлари учун барча имкониятлар яратиб берилган.

Ҳозирда молиявий ва солиқ ҳисоботларини электрон кўринишда қабул қилиш ва қайта ишлаш, солиқ тўловчининг рўйхатдан ўтказиш юзасидан аризаларни қабул қилиш ва солиқ тўловчининг идентификация рақамини бериш сингари муҳим соҳалар билан бирга интерактив хизматлар тизимида солиққа оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотлар ҳам тақдим этиб боришмоқда.

Ариза-шикоятлар бўйича фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тиклашда ёрдам бериш, уларнинг низоларини адолатли ҳал қилиш, тегишли тушунтиришлар бериш ҳамда шикоятларни келтириб чиқарадиган сабабларни бартараф этиш фуқаролар мурожаатлари билан ишлашнинг асосий вазифалари ҳисобланади.

Фуқаролар ўзларининг солиққа оид ариза ва шикоятларини электрон тарзда жўнатишлари бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Бунинг учун ҳар бир фуқаро Давлат солиқ кўмитасининг www.soliq.uz расмий сайты орқали ўз мурожаатларини юбориш имкониятига эгадир. Бунинг учун фуқаролар расмий сайтда ташкил этилган «Хат жўнатиш» махсус саҳифасига ўз мурожаатларини ёзиб қолдириши қийоф. Электрон тартибда юборилган мурожаатлар электрон рақамли имзо орқали тасдиқланиши лозим.

Бундай мурожаатлар ихро учун дарҳол қабул қилиниб, ёзма мурожаатларга қўйилган тартиб ва талабларга мувофиқ равишда жавоб берилиши кафолатланади. Фуқароларнинг электрон мурожаатларига жавоб улар кўрсатган электрон манзилига ёки уларнинг илтимосига кўра ёзма тарзда ҳам берилиши мумкин.

Фуқаролар томонидан давлат органларига электрон тарзда мурожаат қилинишининг қулайликлари ва афзалликлари шундан иборатки, электрон мурожаат кунининг хоҳлаган вақтида (эрта, кеч, дам олиш кун ва х.к.) юборилиши мумкин. Шунингдек, ёзма мурожаатларда учраб турадиган (ўқиб бўлмайдиган, тушунарсиз ёки хато ёзилиши) камчиликларнинг олдини олади. Қоғоз сарфи ва почта харажатлари тежалиб, мурожаат расмий сайт орқали бир зумда қабул қилинади. Давлат органи учун эса келиб тушган ҳужжатларни қайта ишлаш ва ихрочиларга тарқатиш тезлигини бир неча баробарга оширади.

**Музаффар ТўРАХОНОВ,
Наманган вилоят Давлат солиқ
бошқармаси бўлим бошлиғи.
Анваржон НУРИДДИНОВ,
Ахборот тизимлари шўъбаси бошлиғи**

**Ноқонуний савдонинг
олди олинди**

Мамлакатимиз ҳудудида пиротехника воситалари айланишини тартибга солиш, фуқаролар, айниқса, фарзандларимиз соғлиғига ҳавф солувчи портловчи ўйинчоқларнинг савдога чиқарилишига чек қўйиш мақсадида бир қатор меъриий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Бу борада солиқ идоралари ҳам самарали фаолият олиб бормоқда.

Кейинги йилларда бундай маҳсулотларнинг савдосига деярли чек қўйилди. Бироқ баъзи тадбиркорлар томонидан пиротехникани мамлакатимиз ҳудудида олиб кириш ва бозорларимизда тарқатиш ҳоллари учраб турибди.

Мисол учун, Бухоро вилоят Давлат солиқ бошқармаси ҳамда Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси вилоят бўлими ходимлари томонидан Ёқилдувон туманида ўтказилган назорат тадбирлари давомида тумандаги «Ғалаба» кўчаси 50-уйда истикомат қилувчи фуқаро Д.Бақоевнинг «Хўжайи жаҳон» буюм бозори ҳудудида пиротехника воситалари савдоси билан шуғулланаётгани аниқланди. Ундан 6 турдаги 4700 донга қиймати 748 минг сўмлик пиротехника воситаларини олиб қўйилиб, белгиланган тартибда йўқ қилиш учун ваколатли органларга юборилди.

Айни кунда янги йил байрамига тайёргарлик қўриш ва уни нишонлаш даврида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда пиротехника воситаларини республикамиз ҳудудида олиб кириш, реализация қилиш ва фойдаланишининг олдини олишга қаратилган назорат тадбирлари давом этмоқда.

**Д. ЖУМАЕВ,
Бухоро вилоят ДСБ бўлим бошлиғи**

Реклама ўрнида



«ASIA ALLIANCE BANK» очик акциядорлик-тижорат банки Ўзбекистон молия бозорига 2009 йилдан бери фаолият кўрсатиб, мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлашга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг равнақига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Qandolatishlabchiqarish» OAJ бунинг ёрқин мисолидир. Жорий йилнинг октябр ойида банк томонидан мазкур корхонага қандолат маҳсулотлари ва миллий ширинликлар ишлаб чиқариш соҳасидаги фаолиятини ривожлантириш учун 200 миллион сўм миқдорига кредит ажратилган эди.

лат печи ва қадоқлаш ускунаси) сотиб олинди. Натижада, «ASIA ALLIANCE BANK» OATB Қарши филиалининг молиявий ёрдами туфайли корхонада 20 турдан зиёд қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Қўшимча иш ўринлари яратилди. Тайёр маҳсулотлар миқдори ошиб, сотиладиган ҳудудлар сафи тобора кенгайиб борапти.

— Банкнинг кредит маблағлари ҳисобидан сотиб олинган хом ашё ва ускуналар корхонамиз тараққиётини янги босқичга кўтариш, буюртмалар рўйхатини шакллантириш ва истеъмолчиларга сифатли қандолат маҳсулотлари етказиб бериш имконини берди, — дейди корхона директори Камолддин Васиев. — Олинаётган барқарор фойда корхонанинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ишчи-хизматчиларнинг муносиб меҳнат қилишлари ва дам олишлари учун қулай шарт-шароит яратиш имкониятини яратмоқда.

Бугунги кунда «SadafQandolatishlabchiqarish» OAJ мутахассислари махсус қийим ва озиқ-овқат билан таъминланган. Ишлаб чиқариш участкалари замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

«ASIA ALLIANCE BANK» OATBнинг Қарши филиали томонидан кўрсатилаётган молиявий ёрдамлар хусусида шу сингари қўллаб-қувватлаш мумкин. Молия муассасаси ходимлари эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш билан биргаликда кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш, банк хизматининг янги турларини жорий этиш, мижозлар сафини кенгайтириш, молия институти-капиталини янада кўпайтириш учун изланиш йўлидан боришмоқда.

**Насиба ИСМАТОВА,
«Ishonch» муҳбири**

«ASIA ALLIANCE BANK»:

**Мижозлар ишончи —
бош мақсадимиз**

Ушбу молия муассасаси жамоавий ва хусусий мижозларга молиявий хизмат кўрсатишнинг тўлиқ мажмуига эга. «ASIA ALLIANCE BANK» томонидан ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда иш тутилаётгани юксак даражадаги кредит бериш ва тўловчанлик имкониятини сақлаб қолиш имконини бермоқда. Банк ўз фаолиятида ишончлилик, мижозлар умидини оқлаш, оқилона кредит сиёсати юритиш, хизмат сифатини доимий ошириб бериш сингари устувор йўналишларга таянган ҳолда иш олиб бораётгани туфайли хусусий капиталнинг ўсиб бориши ва даромадлилик жиҳатидан мамлакатимиздаги ўн та барқарор банклар қаторидан жой олган.

«ASIA ALLIANCE BANK» бошқа молия институти билан бир қаторда миллий иқтисодий тизимини изчил ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, бозор барқарорлигини таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини юксалтириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратишда фаол иштирок этмоқда.

Шу муносабат билан банкнинг кичик бизнес субъектлари билан ҳамкорлик қилиш ва уларни қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолияти тобора кенгаймоқда. Банк мутахассислари томонидан кичик бизнес субъектлари ҳамда хусусий тад-

биркорларни имтиёзли тарзда кредитлашнинг алоҳида дастури ишлаб чиқилган. Ушбу дастур доирасида иқтисодиётнинг реал тармоғида фаолият юритаётган, ишлаб чиқариш соҳасидаги фаолиятни илгор техник ва технологик ускуналарга таянган ҳолда амалга ошираётган тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Қашқадарё вилоятининг Қарши туманида фаолият юритаётган «Sadaf-

Ушбу маблағнинг 37,5 миллион сўмига хом ашё (шакар) ва 162,5 миллион сўмига технологик ускуналар, (қандо-



Давоми. Бошланиш 1-саҳифада).

— Касаба уюшмалари томонидан амалга оширилаётган кенг қамровли ўзгаришлар барчамизни бирдек енг шимариб ишлашга ундамоқда, — деди Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Мирзаобод туман кенгаши раиси Баҳодир Ахоров. — Шунинг учун ҳам саҳифаларингизда эълон қилинаётган мақолалар ҳеч биримизни бефарқ қолдирмайди. Бунинг аксарияти устозлар дарс жараёнида газета материалларидан самарали фойдаланиб келишадиганидан ҳам билиш мумкин.

нинг самарали меҳнат қилиши учун қулай шарт-шароит яратиш, меҳнат муҳофазасини таъминлаш, ўз вақтида ҳақ тўлаш, уларнинг дам олишига оид ижтимоий кафолатларни амалга ошириш, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларга таълим-тарбия қилиш имтиёзларини қўллашга оид мажбуриятлар тўлиқ қамраб олинган.

Жамоа шартномаси орқали кам таъминланган кўп болали оилаларга маъмурият ва касаба уюшма кўмитаси томонидан ёрдам қўлини чўзиш, тўй тантаналарини ўтказишда кўмаклашиш йўлга қўйилган. «Обод турмуш йили» Давлат дастурининг бажарилиши

миз. Бу билан ишчиларимизнинг турмуш фаровонлигини оширишга янада кенг имконият яратилди.

Туризмни ривожлантириш, ходимларнинг дам олишини мароқли ташкил этиш бўйича бошланғич касаба уюшма ташкилоти маъмурият билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Жамоа шартномалари ва тармоқ келишувлари орқали тармоқнинг 50 нафар ходими «Зомин» дам олиш масканида соғлигини тиклаб қайтишга муваффақ бўлди.

Бошқарма ходимлари спорт тадбирларида, «Алломшиш ва Барчиной» тест спорт мусобақасида фаол иштирок этиш-

Ёшлар маҳорати ошмоқда



Наманган санъат коллежи халқаро андазаларга мос таълим шароити ва мустақкам моддий-техник базага эга ўқув масканлардан.

Очиқ мулоқот, ошқора фикр

тақлифларини билдириб ўтди. — Газета тили ҳаммага тушунарли бўлиши керак. Эълон қилинаётган мақолаларнинг ўқилиши шундангина ортади. Муштарийларнинг дилига ёқадиган, уларнинг дидини юксалтирадиган жозибали материалларга кенгроқ ўрин берилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

— Газета турли мавзуларни қамраб олганлиги учун ҳам бир хилликдан йироқ. Қизиқарли мақолалар, ҳуқуқий савол-жавоблар, ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги янгиликлар барчамизга бирдай манзур, — деди Мирзаобод туман 26-умумтаълим мактаби бошланғич касаба уюшма кўмитаси раиси Н.Хайдарова.

Ховос туман Ободонлаштириш бошқармасида 80 дан ортиқ ишчи-ҳодим фаол ишламоқда. Кейинги 2 йил давомида янги иш ўринлари ташкил этиш ҳисобига касаба уюшма аъзолари сони 30 нафарга ортди.

ни таъминлаш мақсадида кўп болали оила вакилларига бошқарма томонидан моддий ёрдам кўрсатилди. Ёлғиз қариялардан 2 нафари корхона оталигида.

Шунингдек, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йилда 2 нафар ходим санаторийда, 5 нафар ходимларнинг болалари ором-гоҳларда дам олдирилди.

Ходимлар ўртасида маданий ва маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиш доимо диққат-эътиборда. Бошқармада ҳар ойда бир марта «Маънавият соати» ўтказилиб, унда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, бунёдкорлик ишлари ҳақида кенг қўламли маълумот берилмоқда. Турли мавзуларда учрашув ва давра суҳбатлари ташкил этилмоқда.

— Бошқарма ҳудудида ёрдамчи хўжалик ташкил этганмиз, — дейди касаба уюшма кўмитаси раиси Д.Худойбердиева. — Айни пайтда боғ яратишга киришганмиз. Чорвачилик ва паррандчиликни йўлга қўйишни мўлжаллая-

ди. Шунингдек, шахмат, шашка, волейбол мусобақалари ташкил этилиб борилади.

— Бошланғич касаба уюшма ташкилотлари фаолиятини яхшилаш бугунги куннинг долзарб вазифасига айланиб бормоқда, — дейди Д.Худойбердиева. — Бу борадаги тушунчаларимизни кенгайтириш, илгор тажрибаларни ўрганишда сеvimли газетамиз бизга яқиндан ёрдам бермоқда. Касаба уюшмалари томонидан амалга оширилаётган кенг қамровли ўзгаришлар ҳақида айнан ушбу газета орқали танишиб бораёلمиз.

Ҳа, овоз ва обод мамлакатимизда содир бўлаётган ижобий ўзгаришлардан қалби шижоат ва завққа тўлган, бундан бўён ҳам яратиш ва яшатиш ниятида яшаётган, меҳнат қилаётган юртдошларимизнинг фикр-мулоҳазалари биз учун жуда қадри. Кўнгли бод меҳнат кишининг ўй-хаёллари, орзу-умидлари, интилишлари газетамизнинг бош мавзусига айланиши, шубҳасиз.

Озода МАМАДАЛИЕВА, «Ishonch» мухбири

Анжуман

Фаргона шаҳрида вилоятдаги олий таълим муассасаларининг иқтидорли талаба ёшлари иштирокда «Оқсак маънавиятли ёшлар — Ватан таянчи» широри остида анжуман бўлиб ўтди.

Ватан — таянчимиз

Ёшларда она-Ватанга муҳаббат, садоқат, келажакка ишонч туйғуларини янада орттириш мақсадида ташкил этилган тадбир Аҳмад ал-Фаргоний ҳайкали пойига гулчамбар қўйиш билан бошланди. Шундан сўнг, ёшлар «Санъат саройи», «Ёшлар маркази», миллий меъморилик анъаналари асосида бунёд этилган бадий ижодиёт маркази билан яқиндан танишдилар.

Анжуман «Тоғмаҳал» мажмуасида давом эттирилиб, «Энг ташаббускор талаба», «Энг яхши тадқиқотчи талаба», «Энг яхши китобхон талаба», «Энг ёш тадбиркор талаба» каби номинациялар қўйиблар ҳамкор ташкилотларнинг фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Муҳаммадҷон МАҲМУДОВ

Мулоҳаза

Тонгда кўчага чиқдим. Автобус кутиб турганимда, бекатда икки йигитнинг бири билан бош уриштириш, камига ўпишиб кўришайтганига кўзим тушди...

Салом фақат танишларга бериладими?!

«Одоб боши салом билан» деган мақол бежизга айтилмаган. Умуман, салом бериш инсоннинг маданиятини, унинг қандай тарбия топганини кўрсатади.

«Ассалому алайкум» сўзи арабча бўлиб, сизга тинчлик, саломатлик тилайман, дегани бўлса, «ваалайкум ассалом» сизга ҳам тинчлик, омонлик тилайман, деганидир.

Юртимизда аёллар кучоқлашиб, елкага қоқиб, тирсагини ушлаб кўришди ва бу деярли барча жойда учрайди. Эркаклар эса кўларини маҳкам сиқиб саломлашади. Аммо ҳозирда ёшлар ўртасида саломлаштириш турлари кўпайиб бормоқда. Бош уриштириш, елка уриштириш у ёқда турсин, нафақат қўл, балки оёқларни ҳам ишла-

тиб, саломлашиш одат тусига кирайтири. Хайратланарлиси, йигитлар ўпишиб кўришни замонавийлик, деб қабул қилмоқда.

Яна бир иллат, бу ёшларнинг ўзидан катталарга салом бермай қўйганлигидир. Бехитиёр ўйлаб қолсан: салом фақат танишларга бериладими?!

Келажак ёшлар қўлида. Шундай экан, боболаримиздан мерос бўлиб келаётган миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш, келгуси авлодга етказиш биз, ёшлар учун ҳам қарз, ҳам фарз эканлигини асло ёдимиздан чиқармаслигимиз лозим.

Гулноза МИРЗАЕВА, УзДЖТУ талабаси

Маънавият сабоқлари

Яқинда туғилган кун муносабати билан синфдош қизлар йиғилдик. Дугоналаримиздан бири шундай деб қолди: — Келин туширганимга бир йилдан ошди. Шундай бўлса-да, ҳалигача келиннинг қўлимдан ишмини олгани йўқ. Уй-рўзгор ишларига эпизод — нарсаларни ивирсиб ётди, қозон-товоқдан йироқ, бичиш-тиқишда ўқувсиз. Узини ҳеч айбламайди. Онаси ҳам турмуш вазифаларини тушутирмаган экан-да! Тартибсизлиги тўғрисида танбех эшитса, хафа бўлади. Шу кунларда бир-биримизни тушунолмай қолганми. Ўғлимнинг ишга кетишдан олдин: «Менга яхши гап айтиб, қузатиб қолмайсанми?», деган гапига: «Улишга кетаётганингиз йўқ-ку, қайтиб келасиз», дея жавоб қайтариши, айниқса, тепа сочинини тикка қилди.

Эпли келин — сепли келин

Дугонамга қўлимдан келганча маслаҳат бердим. Шундан бошқа иложим йўқ эди-да. Биз дийдорлашув учун йиғилдикми ёки бировнинг гийбатини қилишга келдикми, фарқи боролмай қолдим. Бир қарашда дугонамнинг гапига жон бор эди. Нега дейсизми? Сабаби, хали оқни қордан ажрата олмаётган, дунёқараш тўлиқ шаклланимаган, эндигина 17 ёшни қаршилаган коллеж талабасини келин қилиб бўладими? Табиийки, уни ҳаёт синоваларига тайёр деиш қийин. Шу ҳолига у келинлик вазифасини қандай бажарсин?! Қизнинг бу ҳолига тушишга ота-она, оилавий тарбия, унинг устига келин олсам бўлди, дейдиган қайнота ва қайнона айбдор. Тарбия жараёнининг занжирсимон таъсирини қаранг. Унинг нотўғри йўлга қўйилганлиги, оила, турмуш масалалари бўйича тўла тушунча берилмаганини, нафақат ота-онанинг, балки уларнинг зурриётлари ҳаётини ҳам барбод қилгани.

Болани қамолга етказишнинг синналган усулларидан бири — эсини таниданган бошлаб фойдалан машғулотларга жалб қилиш. Масалан, уй-рўзгор юмушлари, уй тўтиш, саршишчиликка болаликдан ўргатиб бориш керак. Юқориди айтиб ўтилганидек, келиннинг «улишга кетаётганингиз йўқ-ку, қайтиб келасиз» деган жавоби эркакка қандай таъсир қилишини тасаввур қилиб кўринг-а...

Айтилганидек, келин ўзини айбсиз санашига асос бор. Кишида ўзини танқидий баҳолаш кўникмаси шаклланимаган бўлса, ҳамма вақт ўзини ҳақ деб билади-да. Аввало, у тарбияланган муҳитда бирор масалада жавоб бериш, масъулият ҳисси талаб қилинмаганидан ўзи томонидан амалга оширилган ҳар қандай хатти-ҳаракатни тўғри, деб қабул қилишга ўрганиб қолади-да!

Бундай ҳолатларга йўл қўймаслик учун фарзандларимизнинг ёшлигини ўғрилаб, эрта турмушга бермайлик. Узимизнинг қадр-қимматимизни сақлаб, қизларимизни катта оилга қадам қўйишда тўғри тушунтириш ва тавсиялар берилик. Зеро, турмуш ташвишлари, ўз-ўзини енга олмаслик тўғрисида афсус-надомат кўчасида адашиб қолишмасин.

Дурдиби ОТАЖОНОВА, Кўшкўрпир туманидаги 51-мактаб она тили ва адабиёт фани ўқитувачиси

Кўргазма

Тасвирларда олам муҷассам

Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида таниқли расом Алишер Мирзо асарлари кўргазмаси кенг жамоатчилик ҳўкмига ҳавола этилди. «Нақшинкор олам» деб номланган ушбу кўргазма санъатсеварларда катта қизиқиш уйғотди.

Ўзбекистон халқ рассоми, Давлат муқофоти совриндори, Ўзбекистон ҳамда Россия Бадий академиялари академиги Алишер Мирзо яратган суратлар миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга ҳамроҳанглиги билан ажралиб туради. Экспозицияга қўйилган 120 дан зиёд рангтасвир ҳамда графикага оид асарларнинг аксарияти сўнги йилларда яратилган. Рассомнинг миллий колорит, теран мазмунга эга гўзал асарлари сирасига «Қирмизи тераклар», «Учрашув», «Қузги лавҳа», «Тоғ остидаги ўйлар», «Сўқок нони», «Сўқок чекка-

сид баҳор», «Сўқоқлик қиз», «Тоғларда баҳор», «Қумғонли натюрморт», «Марказий парк

бўйлаб», «Ҳиндуларнинг отлари», «Баҳорий кайфият», «Ўзбекона натюрморт» каби лари киритиш мумкин.

Алишер Мирзо ижодидан замонавий синтетик бўёқ — «акрил»да бажарилган рангтасвирлар ҳам муносиб ўрин олган. Улар ёрқинлиги, ифо-

да шакллари, композициядаги мутаносиблик билан санъат ихлосмандларига маъқул келади. «Анорли учрашув», «Самарқанд афсонаси», «Эски шаҳар узра», «Қизил тоғ остиди», «Икки доира», «Тонгги бағишлов», «Ипак йўлидаги туялар», «Гумбазлар», «Жозиба» каби рангтасвирларни шундай асарлар сифатида тилга олиш мумкин.

Маълумки, жаҳонгашта рассом хоҳ хориз, хоҳ ватанимизнинг шаҳару қишлоқлари тасвирламоқчи бўлсин, янги гоёлар, мавзуларга эътибор қаратади. «Бўҳорон шариф», «Жазирама. Еркин Бўҳоро», «Бўҳороликлар», «Эртақсимон Бўҳоро», «Қадимий ва навқирон Бўҳоро», «Зиёрат», «Самарқанд нони», «Асрлар оша», «Сўқок ший-понларида», «Самарқанд эр-

таги», «Шердор мадрасаси», «Арғимчоқ», «Чехралар», «Хазина», «Дилдорнинг хаёллари», «Манхеттенда», «Катта Нью-Йорк», «Тайм Сквер маникенлари» бунинг яқоқ исботидир. «Шоир Азиз Абдураizzoқ», «Қозғистонда», «Одам Ато ва Момо Ҳаво қиссаси» номли графика туркуми эса рассомнинг маҳорат қирраларини янада очиб беради.

Алишер Мирзо асарларини кузатар экансиз, мусавирнинг руҳий олами, бой ҳаётий, ижодий тажрибаси, ўзига хос услубини кашф этасиз. У яратган ҳар бир ижод намунаси сизга нафосат, гўзаллик, шунингдек, ҳаётнинг нозик ҳиссиётга йўғрилган лаҳзалари ҳақида гўё сўзлаб беради.

Устоз мусавир ижодий фаолиятининг ўзига хос сарҳисоби бўлган кўргазма намойиши 28 декабрдан давом этади.

Баҳром ТОҶИБЕВ, санъатшунос

«Andijon mulk markazi» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига «Узсанотқурилишбанк» ОАТБ Бунёдкор филиалининг 2013 йил 11 декабрдаги 32-62/а-сонли хатига асосан, Андижон шаҳар, А.Темур кўчаси, 24-уй манзилида сақланаётган, давлат рақами 60 237 КАА, 2003 йилда ишлаб чиқарилган, «Нексия-Донс» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 17 690 200 сўм.

Аукцион савдоси 2014 йил 24 январ кўни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кўнлари соат 9:00 дан 18:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2014 йил 22 январ кўни соат 18:00.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувга асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини «Andijon mulk markazi» МЧЖ «Савдогар» ОАТ банкни МФО: 00081, СТИР: 302126734, ҳ/р: 20208000304941156002га тўлашлари шарт.

Манзил: Андижон шаҳри, Навоий шўх кўчаси, 30-уй. Телефон: (8-374) 228-47-62, www.tmm.uz, Гувўҳнома 00658.

Ўтганларнинг охираати обод бўлсин

Ўзбекистон темирйўчилилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Марказий кенгаши «Чимён» саноатийси бош шифокори Амириддин Аҳмедовга волидаги муҳтарамаси ҲИДОЯТ ҳожи онанинг вафоти муносабати билан ҳуқур таъзия изҳор этади.

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari Zayniddin Rixsiyev Tahrir hay'ati Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADDIYEV, Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib)

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yatga olingan. ISSN 2010-5002 Gazeta o'fset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma tafoq.

Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73. Viloyatdagi muxbirlar: Andijon +998 91 141-27-70; Buxoro +99893 653 50 81; Sirdaryo +998 90 999 58 30; Jizzax +998 94 418-67-49; Navoy +998 94 226-28-84; Namangan +998 90 260-50-77; Samarqand +998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo +998 95 502-16-68; Farg'ona +998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm +998 90 719-48-00.

Manzilmiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy. Nashr ko'rsatkichi: 133. Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi, Soluvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: B. Rizayev Navbatchi: S. Abdurahmonov Musahhib: S. Shodiyeva. Bosishga topshirish vaqi: 19.00 Topshirildi: 19.20 E-mail: ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter makazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H. Abduljalilov. «Sharh» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.